

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ипотека банк АТИБ

Тошкент вилояти филиали

амалиёт бошқармаси харид

комиссия раиси

Н.И.Исломов



**Ипотека банк АТИБ**  
**Тошкент вилояти филиали**  
**амалиёт бошқармаси биносини жорий таъмирлаш**

Тошкент 2022

## МУНДАРИЖА

- I. Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси учун йўриқнома.**
- II. Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларининг техник қисми.**
- III. Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларининг нарх қисми.**

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ ҲАҚИДА АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Харид предмети	Текущий ремонт в здании «Ипотека» банка г. Ташкента
Лотларга бўлиниши	1 лот
Хариднинг режа-жадвали	
Савдоларни ўтказиш даври (ой)	октябрь ойи
Молиялаштириш манбаи	Банк маблағлари
Бошланғич нарх	<b>434 478 444,00 ҚҚС билан:</b>
Энг яхши таклифни танлаш таклифининг таъминоти миқдори (закалат ёки банк кафолати)	1% ҳар бир лот учун
Тўлов шартлари	50% Аванс, қолган 50% топшириш – қабул қилиш далолатномалари ҳамда ҳисоб-фактуралар асосида тўланади.
Тўлов валютаси	Маҳаллий корхоналар учун - ўзбек сўми
Ўтказиб бериш/хизмат кўрсатиш жойи ва шартлари	Учтепа 23 квартал Ширик кўча 40 уй
Ўтказиб бериш/хизмат кўрсатиш муддати (вақти)	Эълон тугаганидан кейин 60 кун ичида
Энг яхши таклифни танлаш таклифининг амал қилиш муддати	Таклифлар берилган кундан бошлаб камида 45 кун
Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	<i>Энг яхши таклифни танлашда, унда қатнашиши учун қўйиладиган шартларни бажарган, мулкчилик шаклидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган барча жисмоний ёки юридик шахслар иштирок этиши мумкин.</i>
Энг яхши таклифни танлаш таклифларини такдим этиш муддати (камида 7 иш куни ва кўпи билан ўттиз иш куни)	Камида 7 иш куни
Энг яхши таклифни танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг масъул котиби (ёки ишчи органи)	Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар: Тел.: (+99890) 937-76-59 99898307 25 21

# I. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1 Умумий қоидалар.

- 1.1 *Энг яхши таклифни танлаш бўйича мазкур харид қилиш ҳужжатлари (кейинги ўринларда - Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатлари) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.*
- 1.2 *Энг яхши таклифни танлаш предмети: Текущий ремонт в здании «Ипотека» банка г. Ташкента*
- 1.3 *Энг яхши таклифни танлаш ўтказиши (лойиҳани амалга ошириши учун) учун асос: жорий таъмирлаш учун қилинган дефектний акт.*
- 1.4 *Энг яхши таклифни танлашнинг бошланғич нархи: 434 478 444,00 ҚҚС билан  
Энг яхши таклифни танлаш таклифида кўрсатилган нархлар бошланғич нархдан ошмаслиги керак.*
- 1.5 *Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигида юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телеконференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.  
Харид комиссияси ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб овоз бериш ҳуқуқига эга.*
- 1.6 *Ушбу Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида фойдаланиладиган асосий тушунчалар: аванс тўлови - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачи ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси томонидан киритиладиган, операторнинг воситачилик йиғимини ва томонларнинг закалатини ўз ичига олган молиявий маблағлар суммаси; таклифни таъминлаш - буюртмачининг талабига биноан иштирокчи томонидан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, кафолат, закат тарзида ёхуд қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши;*

давлат харидлари электрон тизимининг оператори (кейинги ўринларда - оператор) - давлат харидларининг субъектларига давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар кўрсатадиган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган махсус ваколатли юридик шахсдир;

шахсий кабинет - электрон давлат харидларида иштирок этишни ҳамда зарур ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган, буюртмачи ёки харид қилиш тартиб-таомили иштирокчисининг махсус ахборот порталдаги индивидуал саҳифаси;

ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан буён матнда ХККП деб юритилади) - аванс тўловларини депонентлаш ва уларни ҳисобга олиш йўли билан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажара оладиган иштирокчиларни электрон харидларга киришини таъминловчи Операторнинг таркибий бўлинмаси;

давлат харидларининг электрон тизими (бундан буён матнда электрон тизим деб юритилади) - электрон давлат харидлари жараёнида давлат харидлари субъектларининг ҳамкорлигини, электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомиллари ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи;

электрон давлат харидлари - ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли.

**2 Электрон Энг  
яхши таклифни  
танлаш  
ташкilotчилари**

2.1 Энг яхши таклифни танлаш буюртмачиси: Республика таълим маркази (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”).

2.2 Буюртмачининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахс:

бб- сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб 71-277-10-29, тел: 90-987-11-16

*Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,  
Катта Чилонзор -1 кўчаси, 9- уй, тел: 71-277-10-29.*

2.3 *Шартнома эгаси: бб- сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб*

2.4 *Энг яхши таклифни танлаш, камида 4 нафар аъзодан иборат таркибда буюртмачи томонидан ташиқ қилинган харид комиссияси (кейинги ўринларда – Энг яхши таклифни танлаш комиссияси) томонидан ўтказилади.*

**3 Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчилари**

3.1 *Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси (бундан буён матнда иштирокчи деб юритилади) электрон Энг яхши таклифни танлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган жисмоний ёки юридик шахсдир.*

3.2 *Иштирокчи:*  
*давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда фойдаланиш;*

*буюртмачига ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташиқлотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари бўйича сўровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олиш;*

*давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга харид қилиш тартиб-таомиллари натижалари юзасидан шикоят қилиш;*  
*қонунчиликка мувофиқ таклифларга ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.*

3.3 *Иштирокчи:*  
*давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;*

*харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгар бўлиши;*

*асосий бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;*

*голиб деб топилган тақдирда, Буюртмачи билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.*

3.4 Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашуви бўлган иштирокчи давлат харидлари иштирокчиси бўла олмайди.

3.5 Иштирокчи давлат хариди ижрочиси (голиб) деб эътироф этилган тақдирда:

Энг яхши таклифни танлаш савдолари якунлари бўйича голиб деб расман эълон қилинган кундан эътиборан икки кун мобайнида давлат харидлари махсус ахборот порталида тегишли маълумотларни жойлаштириш орқали бевосита ёки билвосита 25 фоиз ёки ундан кўп акцияларга (улушга) ҳақиқатдан назорат қилишга эга бўлган ўзининг якуний манфаатдор шахслари (бенефициарлари) тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилишлари;

ўзларининг веб-сайтларида ва махсус ахборот порталида доимий асосда Энг яхши таклифни танлаш савдолари якунлари бўйича имзоланган шартнома мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги маълумотларни жойлаштириб боришга мажбур.

#### **4 Электрон Энг яхши таклифни танлашга киритиш**

4.1 Иштирокчилар ХҚКПдаги шахсий ҳисоб варақларига аванс тўловларини киритганларидан сўнг электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этишлари мумкин.

4.2 Буюртмачи ва иштирокчилар электрон харидлардаги иштирокларини электрон рақамли имзоларидан (бундан буён матнда ЭРИ деб юритилади) фойдаланган ҳолда амалга оширади. Буюртмачи ва иштирокчи томонидан ЭРИдан фойдаланиш, электрон тизимда тузиладиган шартномаларни ҳақиқий деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

4.3 Операторнинг электрон тизими автоматик режимда қуйидагиларни амалга оширади:

киритилган аванс суммасига мувофиқ ҳар бир лот бўйича электрон харидлардан фойдаланиш;

электрон харидларни ўтказиш;

электрон харидлар натижаси бўйича иштирокчиларни аниқлаш;

битимни рўйхатга олиш ва шартномани шакллантириш.

4.4 *Иштирокчиларни харидга киритиш улар томонидан порталдаги сўровнома-аризани тўлдириш йўли билан амалга оширилади.*

*Иштирокчиларни харидга киритиш, уларнинг қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлганда амалга оширилади:*

*шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги; солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;*

*ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;*

*Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.*

*Солиқ органлари томонидан берилган ЭРИ мавжудлиги иштирокчини шартнома тузиш ҳуқуқини белгилайди.*

*Иштирокчи сўровнома-аризада унга нисбатан қўлланилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмаслиги ҳамда солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни тасдиқлайди.*

*Иштирокчи томонидан сўровнома тўлдирилгандан сўнг, портал томонидан Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри маълумотларини унда иштирокчи ҳақида ёзув мавжуд эмаслик, Энг яхши таклифни танлаш эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ойдан кам бўлмаганлиги ҳолатлари текширилади.*

*Оператор:*

*бююртмачилар ва иштирокчиларга ХККПда алоҳида шахсий ҳисобрақамлар очади;*

*бююртмачилар ва иштирокчиларга шахсий кабинетлар ташкил этади.*

**5 Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш ва таклиф таъминотини тақдим этиш тартиби**

5.1 *Таклифнинг таъминот усули, шу жумладан Энг яхши таклифни танлаш иштирокчисининг келишилган муддат даврида ўз таклифини қайтариб олмаслигига кафолат берувчи пул закалатини киритиш ва қайтариб олиш тартиби ҳамда миқдори электрон давлат харидлари тартиб-таомилларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.*

*\*Ҳужжат топширишининг охириги муддатига қадар давлат бююртмачисининг махсус депозит ҳисоб*

варагига белгиланган миқдорларда закат суммасини ўтказмаган иштирокчилар Энг яхши таклифни танлаш савдосида иштирок этишдан четлаштирилади.

5.2 Электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун иштирокчи:

- <https://id.uzex.uz/> сайтида рўйхатдан ўтади ва рўйхатдан ўтиш саҳифасида керакли бўлимларни (мижоз тури, шахсий маълумотлари, алоқа маълумотлари) тўлдиради. “Якка тартибдаги тадбиркор” ва “Резидент” тизимда фақатгина электрон рақамли имзодан (ЭРИ) фойдаланиб рўйхатдан ўтиши мумкин бўлади;

- рўйхатдан ўтиш жараёни тугагандан сўнг, ХККПда иштирокчи учун шахсий ҳисобварақ очилади. Иштирокчилар уларнинг ХККПдаги ҳисобрақамларида аванс тўловининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирдагина электрон давлат харидларида иштирок этадилар;

- Энг яхши таклифни танлаш шартлари билан батафсил танишгандан сўнг иштирокчи электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун ариза беради ва “Умумий маълумот” саҳифасида, “Товарлар ва буюмлар”, “Талаблар” бўлимларида зарур маълумотларни тўлдиради.

Талаблар бўлимида маълумот киритиш жараёнида иштирокчидан бирор бир талаб бўйича тасдиқловчи ҳужжат сўралган бўлса, ҳужжатни файл кўринишида юклаш зарур.

5.3 Электрон Энг яхши таклифни танлаш:

- бюджет буюртмачиси томонидан ўтказилганда иштирокчиларнинг заклати бюджет буюртмачисининг ҳисоб варагига ўтказилади ва голиб аниқлангунга қадар буюртмачининг депозитида сақланади.

Оператор томонидан голиб аниқлангунга қадар хатлаб қўйилади. Электрон Энг яхши таклифни танлаш голибининг заклати шартнома тузилгунга қадар хатланади;

Голиб шартнома тузишдан бош торган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди ва буюртмачининг ҳисоб рақамида қолади. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланган

бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги голибга ўтади. Бунда захирадаги голиб, голиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги голиб таклиф этган нарх голиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги голиб шартнома тузишдан бош тортса, Буюртмачи янги Энг яхши таклифни танлаш ўтказди.

5.4 Буюртмачи таклифни таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни бир иш куни давомида қайтаради ёки қуйидаги воқеалардан бири юз берганидан кейин унинг қайтарилшини таъминлайди:

таклифни таъминлашнинг амал қилиш мuddати тугаши;

шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса;

давлат харидларининг бекор қилиниши;

таклифларни юборишининг охириг мuddати тугагунига қадар таклифнинг чақуриб олинishi.

5.5 Оператор электрон Энг яхши таклифни танлаш натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закатни банддан ечади ва уни ижрочининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради.

Портал, электрон Энг яхши таклифни танлашнинг яқунларига кўра, битимнинг ҳақиқий суммасидан операторнинг воситачилик йиғимини иштирокчининг аванс тўловларидан ушлаб қолади. Иштирокчиларнинг банди бекор қилинган пул маблағлари, уларнинг топшириқларига асосан бошқа электрон давлат харидларида аванс тўловлари сифатида фойдаланилиши мумкин ёки хизмат кўрсатадиган банклардаги уларнинг ҳисобрақамларига қайтарилади.

**6 Энг яхши  
таклифни танлаш  
таклифларини  
баҳолаш тартиби**

*Электрон Энг яхши таклифни танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг Энг яхши таклифни танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.*

*Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг Энг яхши таклифни танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.*

*Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг Энг яхши таклифни танлаш таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларни иштирокчининг Энг яхши таклифни танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг топширигига асосан ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.*

**6.1 Энг яхши таклифни танлаш таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:**

*Энг яхши таклифни танлаш таклифининг Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;*

*иштирокчининг малака талабларга (Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш;*

*Энг яхши таклифни танлаш таклифининг техник қисмидаги ҳужжатлари ҳамда топширилган наъмуналар тасдиқланган мезонлар асосида баҳоланади;*

*Энг яхши таклифни танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш.*

*Бунда электрон тизим Энг яхши таклифни танлаш таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни Энг яхши таклифни танлаш таклифининг олдинги қисми баҳоланиши якунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.*

6.2 *Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчилари томонидан тузилган ҳужжатлар рўйхати ушбу йўриқноманинг 1-илоvasида (№ 1, 2, 3, 4, 5 шакллар) келтирилган.*

6.3 *Энг яхши таклифни танлаш таклифларини баҳолаш ва Энг яхши таклифни танлаш голибини аниқлаш Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида (2-илова) белгиланган кетма-кетлик, тартиб, мезонлар ва услублар асосида амалга оширилади.*

6.4 *Иштирокчи қуйидаги ҳолларда Энг яхши таклифни танлашда иштирок этишдан четлаштирилади:*

*- у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;*

*- унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;*

*- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;*

*- иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;*

*- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;*

*- иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.*

- иштирокчиси томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича аризани тақдим этмаган бўлса;

- иштирокчи шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлмаса;

- иштирокчи барча зарур ҳужжатлар тўпلامини белгиланган муддатда тақдим этмаса ёки ўз вақтида тақдим этилган ҳужжатлар тўплами Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса;

- иштирокчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда.

- ҳужжатларни топширишнинг охириги санасига қадар давлат буюртмачисининг махсус депозит ҳисоб варағига белгиланган миқдорларда закат суммасини ўтказмаган;

6.5 Агар Энг яхши таклифни танлаш таклифи Қонуннинг ва Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Энг яхши таклифни танлаш таклифи Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси топширигига асосан ташиқил этилган ишчи гуруҳининг ҳулосалари асосида, комиссия томонидан тасдиқланиши лозим бўлган қарор комиссиянинг маъсул котиби томонидан жойлаштирилади.

Иштирокчининг Энг яхши таклифни танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

6.6 Энг яхши таклифни танлаш таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссияси электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиларидан уларнинг Энг яхши таклифни танлаш таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

Тушунтириш бериш жараёнида берилган таклиф ва нарх бўйича ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

6.7 Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати

*таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан қирқ беш иш кунидан ошishi мумкин эмас.*

**7 Электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун таклиф бериш**

7.1 *Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун таклиф давлат тилида ва заруриятга қараб бошқа тилларда тайёрланади.*

7.2 *Электрон Энг яхши таклифни танлаш ўтказилганда иштирокчилар Энг яхши таклифни танлаш таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон Энг яхши таклифни танлашни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.*

*Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.*

7.3 *Энг яхши таклифни танлаш таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин\*.*

*\*Агар давлат харидлари шартларида иштирокчилар томонидан харид объекти бўлган хизматларнинг намунаси тақдим этилиши назарда тутилган бўлса, харид комиссияси уларни иштирокчилар томонидан топширишининг алоҳида тартибини белгилайди.*

*Иштирокчилар курилиш ишлари бўйича топширилганлиги тўғрисидаги далолатнома.*

*Энг яхши таклифни танлаш савдоларида голиб бўлмаган Энг яхши таклифни танлаш иштирокчилари голиблар рўйхати тасдиқлангандан сўнг 5 кун мобайнида таклиф қилинаётган Товар ва иш хизматларнинг ўз намуналарини вақтинча сақлашдан олиб кетишлари шарт. Ушбу муддат тугагандан сўнг Энг яхши таклифни танлаш Иштирокчилари томонидан талаб қилиб олинмаган намуналар йўқ қилиниши лозим.*

*Энг яхши таклифни танлаш голиблари товарларни етказиш юзасидан тузилган шартномага мувофиқ ўз мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар аввал вақтинча сақлашга берилган товарлар намунасини қолдиради. Етказиб бериш шартнома шартлари*

*бажарилгандан сўнг Энг яхши таклифни танлаш Голиби (Ижрочи) 5 кун мобайнида масъул сақланиш жойидан ўзининг товар намуналарини олиб кетишга ҳақли.*

*\* 5 кун мобайнида олиб кетилмаган товар намуналари ўрнатилган тартибда йўқ қилинади.*

*\* Иштирокчиларнинг Энг яхши таклифни танлаш таклифлари электрон тизимда шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириши орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.*

7.4 *Энг яхши таклифни танлаш таклифларини очиб муддати етиб келгунга қадар улар электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.*

7.5 *Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси:*  
*- битта лотга фақат битта Энг яхши таклифни танлаш таклифини беришга ҳақли*  
*- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;*  
*- Энг яхши таклифни танлаш таклифларини бериш муддати тугагунга қадар берилган Энг яхши таклифни танлаш таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.*

7.6 *Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда электрон тизим Энг яхши таклифни танлаш таклифларини қабул қилишини тўхтатади.*

7.8 *Иштирокчининг техник таклифи қуйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши лозим:*

*- техник таклиф ва мазкур йўриқномага илова қилинган 7-сон шаклга мувофиқ таклиф этилаётган маҳсулот техник тавсифларининг таққослама жадвали;*

7.9 *Иштирокчининг нарх таклифи электрон тизимнинг тегишли бўлимига киритилади.*

## **8 Энг яхши таклифни танлаш**

8.1 *Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан Энг яхши таклифни танлаш таклифларини бериш*

**таклифларини  
тақдим этиш  
муддатини  
узайтириш**

*муддати узайтирилиши ёки электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиларига Энг яхши таклифни танлаш таклифлари қабул қилиниши муддати харид комиссияси қарори билан маълум вақтга узайтириши таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.*

8.2 *Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган ҳолда Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунин олдин Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларига ўзгартишилар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишига ҳақли.*

*Товарнинг (шининг, хизматнинг) номини ўзгартиришига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу Энг яхши таклифни танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат камида ўн иш кунига узайтирилади. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, Энг яхши таклифни танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишилар киритилади.*

**9 Энг яхши  
таклифни  
танлаш**

9.1 *Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:*

*- Энг яхши таклифни танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори бал тўплаган иштирокчини (бал усүлидан фойдаланганда). Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, Энг яхши таклифни танлаш таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи голиб деб топилади;*

*- Энг яхши таклифни танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этишни давом эттиришига рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг яхши шартларини таклиф қилган иштирокчини голиб сифатида аниқлайди.*

*Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.*

9.2 *Қуйидаги ҳолларда Энг яхши таклифни танлаш ўтказилмаган деб топилади:*

- агар *Энг яхши таклифни танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса;*

- агар *харид комиссияси техник баҳолаш босқичида барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф *Энг яхши таклифни танлаш бўйича* харид қилиш хужжатлари талабларига мувофиқ келса.*

*Бундай ҳолатда буюртмачи *Энг яхши таклифни танлашни айна ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айна ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.**

9.3 *Энг яхши таклифни танлаш таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йигилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллайди.*

*Харид комиссияси аъзолари йигилишининг электрон баённомаларини электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.*

9.4 *Электрон *Энг яхши таклифни танлашнинг исталган иштирокчиси *Энг яхши таклифни танлаш таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси* эълон қилинганидан сўнг Буюртмачига электрон *Энг яхши таклифни танлаш натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.***

*Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида электрон *Энг яхши таклифни танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.**

## **10 Бошқа шартлар**

10.1 *Энг яхши таклифни танлаш голиби тузилаётган шартноманинг умумий суммасининг I фоизи миқдоридан шартнома мажбуриятларини бажариш кафолатини (закалат ёки банк кафолати шаклида) тақдим этади.*

10.2 *Электрон *Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси *Энг яхши таклифни танлаш хужжатларидаги***

*талабларни тушунтириши талаби билан буюртмачига очиқ электрон чат орқали Энг яхши таклифни танлаш таклифларини бериши муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин сўров юборишига ҳақли.*

*Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида Буюртмачи, агар ушбу сўров Буюртмачига таклифлар бериши муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, Энг яхши таклифни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Энг яхши таклифни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.*

10.3 *Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси Энг яхши таклифни танлаш таклифларини бериши муддати тугагунига қадар берилган Энг яхши таклифни танлаш таклифини қайтариб олишига ёки унга ўзгартиришлар киритишига ҳақли.*

10.4 *Буюртмачи голиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда Буюртмачи бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида электрон тизим орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантирилган сабабларини эълон қилади.*

**11 Энг яхши таклифни танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш**

11.1 *Электрон Энг яхши таклифни танлаш натижалари бўйича шартнома Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида ва Энг яхши таклифни танлаш голиби таклифида кўрсатилган шартлар асосида голиб аниқланган вақтдан бошлаб \_\_\_\_\_ кунлик муддатдан кечиктирмасдан электрон ҳужжат шаклида тузилади.*

*Шартнома томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ва Шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.*

11.2 *Ҳолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди ва буюртмачининг ҳисоб рақамида қолади. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариши ҳуқуқи захирадаги*

голибга ўтади. Бунда захирадаги голиб, голиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги голиб таклиф этган нарх голиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги голиб шартнома тузишдан бош тортса, Буюртмачи янги Энг яхши таклифни танлаш ўтказди.

### Энг яхши таклифни танлаш таклифларини баҳолаш кетма-кетлиги:

Энг яхши таклифни танлаш таклифларини баҳолаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- Энг яхши таклифни танлаш таклифининг Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш (1-сон жадвал);

- иштирокчининг малака талабларга (Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш (2-сон жадвал);

- Энг яхши таклифни танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш (3-сон жадвал);

- Энг яхши таклифни танлаш таклифининг нарх қисмини баҳолаш (4-сон жадвал).

Бунда электрон тизим Энг яхши таклифни танлаш таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни Энг яхши таклифни танлаш таклифининг олдинги қисми баҳоланиши яқунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди

### Электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан расмийлаштириладиган ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1-сон жадвал

т/р	Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан тузиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар	Изоҳ	Иштирокчини четлаштириш учун асос
1	Харид комиссияси раиси номига электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш учун ариза (1-сон шакл)	1-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига кўра
2	Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат	Ҳужжат мавжуд бўлмаган тақдирда, иштирокчи кейинги босқичга қўйилмайди	Харид комиссияси қарорига кўра
3	Қуйидагиларни тасдиқловчи қафолат хати:		
3.1	- иштирокчи қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш босқичида эмаслигини; - Бюрогачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилмаётганлигини; - иштирокчининг илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларининг мавжуд эмаслигини;	2-сон шакл мувофиқ тарзда расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига кўра
3.2	- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг жорий этилмаганлиги.		Қонуннинг 42-моддаси
4	Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумот	3-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига кўра
5	Иштирокчининг молиявий аҳволи тўғрисида маълумот	4-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига кўра
6	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот	Ваколатли органдан маълумотнома тақдим этилади, агар муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса, иштирокчи Энг яхши	Қонуннинг 42-моддаси

		таклифни танлашда иштирок этишдан четлатилади	
7	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза	5-сон шакл мувофиқ расмийлаштирилади	Қонуннинг 67-моддаси
8	Оффшор ҳудудларга алоқадорлигини инкор этувчи ҳужжат ёки қафолат хати	Агар иштирокчи ва/ёки унинг банки оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтган бўлса бўлса, иштирокчи кейинги босқичга қўйилмайди	Харид комиссияси қарорига кўра
7	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги	Агар иштирокчи Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган бўлса, иштирокчи кейинги босқичга қўйилмайди	Қонуннинг 42-моддаси
9	Манфаатлар тўқнашуви	Манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари бўлган иштирокчилар кейинги босқичга қўйилмайди	Қонуннинг 46-моддаси
10	Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси, Энг яхши таклифни танлаш таклифлари қабул қилинишининг охириги муддатигача давлат буюртмачиси номига давлат буюртмачиси ва/ёки техник баҳолаш бўйича Ишчи гуруҳлар (мутахассислар) томонидан товарнинг техник параметрларини келгусида ўрганиш ва баҳолаш учун товар таклифлар беришнинг сўнги муддатига қадар тақдим қилинаётган намунанинг 3 (учтадан муляж) нусхасини тақдим қилиши лозим.	Қабул қилиш ва топшириш долатномалари асосида расмийлаштирилади	Харид комиссияси қарорига кўра четлаштирилади
11	Товар номи кўрсатилган ҳолда давлат буюртмачисининг махсус ҳисоб рақамига 3% закалат суммаси ўтказиб берилганлиги тўғрисидаги тўловни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.	Закалат суммаси ўтказилганлигини тасдиқлайдиган хизмат кўрсатувчи банк белгиси ёки банк қафолати, закалат пулни тўлаш учун тўлов топшириғи нусхаси ёки SWIFT хабари билан тасдиқланган банк қафолати асл нусхаси	Харид комиссияси қарорига кўра четлаштирилади

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

2022 йил \_ - \_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сон

Харид комиссиясига

АРИЗА

\_\_\_\_-сонли \_\_\_\_\_ (Энг яхши таклифни танлаш предмети номи) етказиб бериш бўйича Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларини, сўровларимизга олинган жавобларни ўрганиб чиқиб, биз, куйида имзо чекувчи \_\_\_\_\_ (Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси номи), Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларига мувофиқ электрон Энг яхши таклифни танлашда иштирок этиш ниятини билдирамыз.

Шу муносабат билан, куйидаги ҳужжатларни юбормоқдамыз:

1. Электрон Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумот;
2. \_\_\_\_\_ варақда малака ҳужжатлари тўплами (варақлар сони кўрсатилсин, брошюралар, буклетлар, ахборот ташувчи ёки электрон файл ва бошқалар тақдим этилганда, уларнинг миқдори кўрсатилсин);
3. Техник таклиф ҳужжатлари (Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида қайд этилган) ва намуналар тўғрисидаги қабул қилиш далолатномаси;
4. Нарх таклифи;
5. Бошқа ҳужжатлар (бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, номи ва варақларнинг сонини кўрсатинг).

Таклифни тайёрлаш учун масъул шахснинг тўлиқ Ф.И.Ш.:

Боғланиш учун телефон/факс: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мў.

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

2022 йил \_ - \_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сон

Харид комиссиясига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_  
(иштирокчи номи)

- Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- \_\_\_\_\_ (буюртмачи номи) билан суд ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- \_\_\_\_\_ (буюртмачи номи) билан аввал тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлари йўқлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Раҳбарнинг Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Бош бухгалтернинг (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

МЎ.

**Талаб этилаётган ёки шунга ўхшаш хизматни амалга ошириш тажрибаси ҳақида  
маълумот**

Т/р	Номи	Харидорнинг номи, унинг манзили ва алоқа маълумотлари	Етказиб бериш санаси	Изоҳ

**Қўшимча маълумотлар:** бажариладиган ишлар ҳажми, мижозлар фикри, шунга ўхшаш маҳсулот ва хизматлар бўйича тасдиқланган маълумотлар, портфолио ва бошқалар.

\_\_\_\_\_

*(ваколатли шахс имзоси)*

\_\_\_\_\_

*(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш ва лавозими)*

**М.Ў.**

Сана: 20\_\_й. “\_\_” \_\_\_\_\_

## тўғрисида умумий маълумот

№	Кўрсаткичлар	Маълумот
1	Корхонанинг тўлиқ юридик номи ва мулкчилик шакли:	
2	Корхона ташкил топган вақт ва рўйхатдан ўтган рақами:	
3	Хизмат кўрсатувчи банк:	
4	Корхонанинг раҳбари:	
5	Корхонанинг раҳбарининг телефон рақами	
6	Эл. почта: Телеграм рақами:	
7	Низом жамғармаси:	
8	Таъсисчилар%:	
9	Код ОКОНХ, ОКЭД, СТИР:	
10	Корхонанинг ишлаб чиқариш худуди манзили:	
11	Ишлаб чиқариш майдони (кадастрдаги паспортлари асосида):	
12	Умумий ер майдони:	
13	Корхонанинг ишлаб чиқариш биноси мавжудлиги ёки ижара шартномаси асосидалиги тўғрисида (кв.м)	
14	Ўрнатилган дастгоҳлар (номи, сони ва ишлаб чиқарилган йили рўйхат асосида)	
15	*Фаолият тури (асосий ва қўшимча):	
17	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи (охирги 5 йиллик рўйхат асосида):	
18	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати, ундан фойдаланиш даражаси % (Маҳсулот чиқариш ва уни реализация қилиш сум):	
19	Ишчилар сони (уларга тўланган жами иш ҳақи, барча ушланма ва ўтказмалар билан):	
20	Ўртача иш ҳақи:	
21	Зарур булган асосий хом-ашёси (ўртача йиллик ҳажми, номи билан):	

Мухр

ИМЗО

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ (\*)

Энг яхши таклифни танлаш иштирокчисининг номи: \_\_\_\_\_

(валютани кўрсатинг)

АКТИВ	2019 й.	2020 й.	2021 й.	ПАССИВ	2019 й.	2020 й.	2021 й.
<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>				<b>I. Ўз маблағлари манбалари</b>			
Асосий воситалар (қолдиқ қиймати)				Устав капитали			
Номоддий активлар (қолдиқ қиймати)				Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)			
				Мақсадли тушумлар			
Қимматли қоғозлар				<b>II. Мажбуриятлар</b>			
Капитал қўйилмалар				Узоқ муддатли мажбуриятлар, қарзлар			
Инвестициялар				Кредитор қарздорлик:			
<b>II. Жорий активлар</b>				шу жумладан, муддати ўтгани			
Ишлаб чиқариш захиралари				шу жумладан, бюджет бўйича қарздорлик			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш							
Тайёр маҳсулот				шу жумладан, иш ҳақи бўйича қарздорлик			
Дебитор қарздорлик							
Пул маблағлари							
Бошқа жорий активлар							
<b>Баланс активи бўйича жами (I.+ II. бўлимлар)</b>				<b>Баланс пассиви бўйича жами (I.+ II. бўлимлар)</b>			

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

(валютани кўрсатинг)

Кўрсаткичлар номи	2019й.	2020й.	2021й.
1. Сотишдан соф тушум			
2. Сотилган маҳсулотларнинг таннари			
4. Маъмурий харажатлар			
5. Бошқа харажатлар			
6. Бошқа даромадлар			
7. Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)			
8. Фойда солиғи			
9. Фойда (зарар)			

Раҳбар \_\_\_\_\_ Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

Мў.

Сана: 20\_\_ й. “\_\_” \_\_\_\_\_

(\*) Молиявий ҳолати бошқа мезонлар билан белгиланадиган компаниялар унинг молиявий ҳолатини белгилайдиган бошқа шаклни тақдим этишлари мумкин.

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

Харид комиссиясига

Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича  
АРИЗА

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_ :  
(компания номи)

а):

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонуни талабларига риоя этиш;

- Буюртмачи томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилмаслик, бермаслик ёки беришга розилик билдирмаслик;

- рақобатга қарши ҳаракатларни содир этмаслик, шунингдек аффилиланганлик ҳолларига йўл қўймаслик;

- фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш;

- ёлғон ёки сохта ҳужжатларни тақдим этмаслик, айти битта лотда иштирок этган аффилиланган шахслар ёки манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотларни очиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олишини;

б):

- Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга яқин қариндошларнинг мавжуд эмаслигини;

- нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан олдиндан тил бириктирмаслигини тасдиқлайди.

Имзолар:

Раҳбар Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиғи) Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Ҳуқуқшунос Ф.И.Ш. \_\_\_\_\_

Мў.

ИШТИРОКЧИНИНГ БЛАНКАСИДА

ИШОНЧНОМА

2022 йил \_ - \_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сон

**Харид комиссиясига**

Ушбу Ишончнома \_\_\_\_\_ ни (товар номи) етказиб бериш бўйича Энг яхши таклифни танлашда иштирок этувчи \_\_\_\_\_ га (иштирокчи номи ва манзили) берилган. \_\_\_\_\_ (ишлаб чиқарувчи номи), \_\_\_\_\_ да жойлашган (ишлаб чиқарувчининг тўлиқ манзилени киритинг) завод(лар)ига эга бўлган расмий компьютер ишлаб чиқарувчиси сифатида \_\_\_\_\_ га (иштирокчи номи) Энг яхши таклифни танлаш таклифи беришига ишонч билдиради.

Ушбу Ишончнома билан биз томондан ишлаб чиқарилган \_\_\_\_\_ ни (товар номи) тақдим этиш ва етказиб бериш ваколати берилмоқда.

Агар \_\_\_\_\_ (иштирокчи номи) Энг яхши таклифни танлаш ғолиби деб топилса, ишлаб чиқарувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ (халқаро стандартларга мувофиқ) товарлар ишлаб чиқариш;

- товарларни етказиб беришда сифат сертификатлари ва мувофиқлик сертификатларини тақдим этиш;

- товарларни етказиб беришда қабул қилувчи учун техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича йўриқномалар, схемалар ва бошқа ҳужжатлар тақдим этиш.

Ишлаб чиқарувчининг раҳбари ёки ваколатли шахсининг имзоси ва Ф.И.Ш.

МЎ.

ИШТИРОКЧИ ТАШКИЛОТ БЛАНКИДА

\_\_\_\_\_ (Энг яхши таклифни танлаш рақами ва предметини кўрсатинг) Энг яхши таклифни танлаш савдолари бўйича

ТЕХНИК ТАКЛИФ

2022 йил \_ - \_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сон

Харид комиссиясига

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

\_\_\_\_\_ ни (Энг яхши таклифни танлаш предмети номи) етказиб бериш бўйича \_\_\_\_-сонли Энг яхши таклифни танлаш савдолари ҳужжатларини ва сўровларимизга олинган жавобларни ўрганиб чиқиб, биз, куйида имзо чекувчи \_\_\_\_\_ (Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси номи), \_\_\_\_\_ (ишлаб чиқарувчини кўрсатинг) томонидан ишлаб чиқарилган \_\_\_\_\_ ни (таклиф этилаётган маҳсулот номини, бренд ёки моделини кўрсатинг) \_\_\_\_\_ миқдорида етказиб беришни таклиф қиламиз.

Биз ушбу техник таклифга тўлиқ риоя қилган ҳолда, Энг яхши таклифни танлаш ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича товарларни етказиб бериш мажбуриятини оламиз.

Биз Энг яхши таклифни танлаш таклифларини бериш муддатининг охири санаси сифатида белгиланган кундан бошлаб 90 кун давомида ушбу таклиф шартларига риоя қилишга розимиз. Ушбу Энг яхши таклифни танлаш таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- \_\_\_\_ варақда таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали;
- товар ишлаб чиқарувчиси ишончномаси (6-сон шакл) ёки ишлаб чиқарувчидан авторизация хати (агар Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси таклиф қилинаётган товарнинг ишлаб чиқарувчиси ҳисобланмаса);
- техник ҳужжатлар (брошюралар, техник маълумотлар варағи, фойдаланиш йўриқномалари ва бошқалар ёки таклиф қилинадиган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).

\_\_\_\_\_  
(ваколатли шахс имзоси)

\_\_\_\_\_  
(ваколатли шахс лавозими ва Ф.И.Ш.)

М.Ў.

Сана: 20 \_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали

Т/р	Объект номи	Техник топширик талабларидаги кўрсаткич	Иштирокчининг таълифидаги кўрсаткич	Изоҳ (талабларга жавоб беради / талабларга жавоб бермайди)
<i>Энг яхши таълифни танлаш</i>				
1				
2				

Иштирокчи раҳбарининг ёки ваколатли шахснинг имзоси ва Ф.И.Ш.

МЎ.

**Дастлабки малакавий баҳолашни ўтказиш тартиби ва мезонлари**

(ушбу жадвал иштирокчиларнинг малакасига талаблар қўйилган ҳолларда тўлдирилади)

№	Мезонларнинг номи	Талабга жавоб беради /Талабга жавоб бермайди
<b>I.</b>	<b>Малакавий танлаш ҳужжатларнинг асослилиги</b>	
1	Харидларда иштирок этишга ариза-хат (1-сонли шакл), Харид иштирокчисининг умумий маълумоти (2-сонли шакл) мавжудлиги, Техник таклифли, Нарх таклифли харид ҳужжатларига мос равишда тайёрланганлиги.	
2	Харид иштирокчисининг қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида эмаслиги, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида эмаслиги, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида кафолат хати (___-сонли шакл). Агар тақдим этилмаган ёки тақдим этилган бўлса, лекин харид иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятлари бор бўлса, иштирокчи харид жараёнларидан четлатилади.	
3	Ташкилот (компания) раҳбарининг харидларда иштирок этиш имкони бўлмаса, вакили номига тегишли ишончномани тақдим қилиниши шарт (___-сон шакл). Агар йўқ бўлса, иштирокчи ўтказилаётган харидлардан четлатилади.	
4	Таъсисчилари битта юридик ва жисмоний шахс бўлган иштирокчилар. Агар бўлса, иштирокчи харидлардан четлатилади	
5	Иштирокчининг, шунингдек иштирокчи банкининг оффшор зоналарда рўйхатдан ўтказилмаганлигини кафолатловчи хат. ___-илова. Агарда бўлса, иштирокчи харидлардан четлатилади	
6	Иштирокчининг молиявий ҳолати юзасидан маълумотлар (___-сонли шакл). Бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этилиши шарт. Иштирокчининг ваколатли орган томонидан тасдиқланган молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар. Агар тақдим этилмаган бўлса, иштирокчи харидлардан четлаштирилади.	
7	Харид иштирокчисининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органидан олинган маълумотнома. Агар тақдим этилмаган ёки тақдим этилган бўлса, лекин харид иштирокчиси бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида қарздорлик аниқланса, Харид комиссияси иштирокчини Энг яхши таклифни танлашдан четлаштиришга ҳақли.	
8	Харид таклифининг қайтарилмаслигини таъминлайдиган бўнак тўловнинг мавжудлиги. Бўнак тўлови ҳужжат топшириш охиригидан муддатигача тўланиши шарт. Агар йўқ бўлса, иштирокчи ўтказилаётган харидлардан четлатилади.	
9	Харид иштирокчиси томонидан товар намунасининг топширганлиги ҳужжат. Топширилган товар намунасининг ҳужжатлари топшириш охиригидан муддатигача расмийлаштирилиши шарт. Агар йўқ бўлса, иштирокчи ўтказилаётган харидлардан четлатилади.	

# ТЕХНИК ҚИСМИНИ БАҲОЛАШ

3-илова

## Энг яхши таклифни танлаш таклифининг техник қисмини баҳолаш:

3-сон жадвал

- 1) Танлов предмети қийматининг камида 100 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг мавжудлиги (Энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича);
- 2) Банк ҳисоб рақамларида корхонанинг бир йиллик айланмаси камида 4 млрд. сўмдан кам бўлмаслиги тўғрисида банк (асли) маълумотномаси (Энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича);
- 3) Зарурий техникаларнинг мавжудлиги расм ва балансида мавжудлиги тўғрисида маълумотнома (таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун);
- 4) Малакали мутахассисларнинг мавжудлиги <https://my.mehnat.uz/> сайтадан меҳнат дафтарчаси;
- 5) Пудрат ташкилотининг 3 йиллик бажарган ишлари ва танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлиги тажрибасининг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома ва ишлаган ташкилотларидан маълумотнома;
- 6) Пудрат ташкилотини электрон базадаги рейтинги камида DD бўлиши керак
- 7) Ушбу объект учун ишланган бажариладиган ишлар офёртаси тасдиқланган шакли
- 8) Бажариши керак бўлган ишлар учун кафолат камида 1 йил
- 9) Иловаларда курсатилган маълумотларни тулдирганлиги тўғрисида маълумот

Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжуд таклифлар

## ТАКЛИФЛАРНИНГ НАРХ ҚИСМИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Харид комиссияси томонидан биринчи босқич (техник баҳолаш) ўтказилгандан сўнг таклифларнинг нарх қисмини кўриб чиқиш нарх қисми бўлган ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Нарх бўйича баҳолаш гуруҳи харид комиссияси аъзолари ва мустақил маслаҳатчилар орасидан, банк-молия, юридик ва бошқа соҳаларда ваколатли бўлган мутахассисдан, шунингдек буюртмачининг вакилларида иборат таркибда тузилади.

Энг яхши таклифни танлашда хорижий етказиб берувчилар билан бирга икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар – маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 январдаги 41-сонли қарорига мувофиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан нарх преференцияси қўлланилади.

### Энг яхши таклифни танлаш таклифнинг нарх қисмини баҳолаш

4-сон жадвал

№	Мезон	Оценка	Примечание
1	Энг паст нарх	10 балл	Нархларнинг энг паст нархга фоиз сифатида ўсиши, энг паст нарх пунктлари учун боғланганлар сонининг боғлиқ равишда пасайиши сифатида баҳоланади

*Энг яхши таклифни танлаш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган Энг яхши таклифни танлаш иштирокчиси голиб деб топилади.*

*\*Техник қисми ҳамда нарх қисмларини баҳолаш гуруҳлари томонидан олинган баллар кўшилган ҳолда, Харид комиссиясига киритилади. Бунда энг юқори балл олган иштирокчи голиб деб топилади.*

